



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2023

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

<b>1. Зайнаб Абидова</b> ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА МЕЪМОРИЙ ТУЗИЛИШИ.....	4
<b>2. Гулзода Алимова</b> АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	11
<b>3. Дилорам Бабажанова</b> АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – ЎРТА АСР БУЮК ДАҲОСИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ.....	18
<b>4. Iqbol Jabbarova</b> QASHQADARYO VOHASIDA IRRIGATSIYA INSHOOTLARI QURILISHI, YERLARNING SUG‘ORILISHI TARIXI.....	26
<b>5. Дилнавоз Рахматова</b> “ПАХТА ИШИ” СИЁСАТИДА ҚЎШИБ ЁЗИШ ОПЕРАЦИЯСИ СЦЕНАРИЙСИ.....	33
<b>6. Сохиба Сулайманова</b> СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛЛАР.....	38
<b>7. Икромжон Умаров</b> СУРҲОН ВОҲАСИДА РУС КАПИТАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	45
<b>8. Акмал Менглибоев</b> СУРҲОНДАРЁ ОКРУГИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТЎХТАТИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЧОРАЛАР.....	65
<b>9. Firyuza Muxitdinova</b> DUNYO OLIMLAR TANLILIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY MEROSINING O‘RGANGANLIK HOLATI VA AHAMIYATI.....	76
<b>10. Нигина Султонова</b> БУХОРО МИЛЛИЙ ЛИБОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	83
<b>11. Одилжон Хамидов</b> БАКТРИЯ САТРАПЛИГИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ.....	89
<b>12. Nodira Hasanova</b> SO‘NGGI O‘RTA ASRLARDA O‘RTA OSIYODA HUNARMANDCHILIK MARKAZLARINING TAKOMILLASHTIRILISHI.....	95



УДК947:950:677.21(059.5):394.5(045)

**Дилнавоз Рахматова,**  
PhD (фалсафа фанлари бўйича),  
Қарши давлат университети тузилмасидаги  
“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи директори

### “ПАХТА ИШИ” СИЁСАТИДА ҚЎШИБ ЁЗИШ ОПЕРАЦИЯСИ СЦЕНАРИЙСИ

**For citation:** Dilnavoz Rakhmatova. SCENARIO OF THE PROCESS OF ADDING UP IN THE "COTTON CASE" POLICY. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 8, pp.33-37

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8217932>

#### АННОТАЦИЯ

Маҳаллий партия ташкилот раҳбарларининг хўжалик раҳбарларига босим ўтказиб, талаб қилган пахта режасини бажариш мақсадида, топширилмаган пахта учун заводларга пул тўлаб, қвитанция олиб келиш тажрибаси кенг тарқалди. Шубҳасиз, бундай қонунсизликларга қарши норозилик билдирганлар ҳам бўлди. Бироқ, норозилик билдирганлар турли маънавий ва жисмоний тазйиқларга учрадилар. Мақолада “Пахта иши” да қўшиб ёзиш операцияларининг амалга оширилиши билан боғлиқ жараёнлар хусусида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Олий Суд, “Пахта иши”, қўшиб ёзиш, Қашқадарё вилояти, тергов гуруҳи, архив ҳужжатлари, партия қўмитаси, қишлоқ хўжаликлари.

---

#### Дильнавоз Рахматова,

PhD (по философским наукам),  
Директор Музея “Памяти жертв репрессий”  
при Каршинском государственном университете

### СЦЕНАРИЙ ОПЕРАЦИИ ПРИПИСКИ В ПОЛИТИКЕ “ХЛОПКОВОЕ ДЕЛО”

#### АННОТАЦИЯ

Получило широкое распространение опыт руководителей местных партийных организаций, оказывающих давление на руководителей народных хозяйств, чтобы они предъявили квитанцию, заплатив заводам за неназначенный хлопок, чтобы выполнить план по хлопку, который они требовали. Очевидно, были и те, кто протестовал против такого беззакония. Однако те, кто протестовал, подвергались различным духовным и физическим проявлениям. В статье рассматривается последовательность процессов, связанных с внедрением операций приписки в “Хлопковом деле”.

**Ключевые слова:** Верховный суд, “Хлопковое дело”, приписка, Кашкадарьинская область, следственная группа, архивные документы, партийный комитет, народные хозяйства.

**Dilnavoz Rakhmatova,**  
PhD (in Philosophical Sciences), Director  
of the Museum of “Memory of Victims of  
Repression” at Karshi State University

## SCENARIO OF THE PROCESS OF ADDING UP IN THE "COTTON CASE" POLICY

### ABSTRACT

The experience of the leaders of local party organizations who put pressure on the heads of national farms to present a receipt, paying factories for unassigned cotton, in order to fulfill the cotton plan they demanded, has become widespread. Obviously, there were those who protested against such lawlessness. However, those who protested were subjected to various spiritual and physical manifestations. The article discusses the sequence of processes associated with the introduction of registration operations in the "Cotton case".

**Index Terms:** Supreme Court, "Cotton case", postscript, Kashkadarya region, investigation group, archival documents, party committee, national economy.

### 1. Долзарблиги:

Собиқ иттифоқ учун пахта донори вазифасини ўтаб келаётган Ўзбекистон ССР ХХ асрнинг охирига келиб коррупция авж олган ўлка сифатида қораланди ва асосий урғу пахтага кўшиб ёзиш, “переписка” масаласига қаратилди. Аслини олганда бу жараён марказ томонидан уюштирилган сиёсий ўйин бўлиб, уни бошланиши сиёсий элитанинг уқон ўрган манфаатларига бориб тақалади. “Пахта иши”да переписка жараёни эса теартлаштирилган сахна кўриниши бўлиб, уни амалга оширилиши томошабин диққатини ўзига тортиб, сахна ортидаги воқеаларни никобланиш вазифасини ўтади. *Қуйида ушбу жараён ёритилади:*

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди архивидаги маълумотларда кўрсатилишича, Қашқадарё вилояти “Коммунизм” колхозининг раиси Эшматов пахта завоидига пул топшириб, квитанция олишга қарши чиққан. Бунга жавобан вилоят партия кўмитасининг иккинчи котиби Головачев уни вилоят партия бюросига чақиртириб, унга қаттиқ хайфсан эълон қилди. У агар керакли миқдорда пахта сотиб олмаса, ишдан ҳайдалиб, жавобгарликка тортилишини уқтиради. Шундан кейин Эшматов колхоз ғазнасинан пул олиб, пахта заводи ходимларига топширган ва “1.283 тонна пахта топширилди” деб товарсиз квитанция ёздириб олади[1;]. Бу жараён бутун республикада худди шу тартибда мажбурлар ва тазъик ўтказиш орқали амалга оширилди.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Қарши давлат университети тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фондида собиқ терговчи Сафар Каттабоев билан бўлган сўхбат қайд қилинган. Ушбу ҳужжатда Каттабоевнинг иш фаолияти давомида “Пахта иши” билан боғлиқ бўлган тергов жараёнлари баён этилган. Унда жумладан қуйидагилар келтирилган: “Қамаши туманидаги “Калинин” номли колхоз идорасига борсак раис Б. Эшбоев кутиб турган экан. У нимага келганимизни билгач сейфининг энг пастки қаватига солиб қўйган бир нечта жилддан иборат яхшилаб тикилган ҳужжатларни бирма - бир олдимизга қўяр экан, мана шуларнинг ҳаммаси приписка пахталарнинг документлари марҳамат тергов қилаверинглар ким керак бўлса ҳаммасини чақириб берамиз деди. Умуман пахта ишларини тергов қилишнинг ҳеч қийинчилиги йўқ ва уларни яшириб ҳам бўлмас ҳужжатларга бир қарашдаёқ қайси ҳужжат припискага оид эканлиги кундай равшан эди”[2;].

Колхоз раиси Б.Эшбоевнинг айтишича у аслида ҳам ўз кучлари билан ҳеч қандай қўшиб ёзишсиз пахта топшириш режасини ошиғи билан бажарган. Аммо Қамаши райком 1-секретари Мамаша Аллаёров ва обкомдан келган вакиллар йўқ яна мана шунча тонна пахта топширасиз қандай бажарасиз бу билан бизнинг ишимиз йўқ, ана ҳамма қандай бажараётган бўлса шундай бажарасанлар, биздан ҳам МҚ талаб қилиб турибди деб дўқ пуписа қилишган[3;1-4]. Далада пахта тугаган бу ҳаммага маълум битта йўли қўшиб ёзиш, яъни

аслида йўқ пахтани терилди деб ҳужжат қилиш керак тамом вассалом. Ким бунга норозилик билдирса сўкиш ҳақорат қилиш куч ишлатиб уриш ярим кечагача пахта пункти ва заводларида ушлаб туриш одамларни ўзи хоҳлагандек хўрлаш ва ҳоказолар одатий ҳол.

Қуйида терговчи Сафар Каттабоевнинг ҳуқуқшунос сифатида пахта сиёсатида қўшиб ёзишлар жараёнининг қандай кечганлиги ҳақидаги ҳулосалари келтирилди: “Маълумки бир ой 30 кундан иборат ва унинг ҳар 10 кунда терилган пахта учун колхозчиларга иш ҳақи берилиши керак. Айтайлик Эшмат бир кунда ўртача 50 - 60 кг. пахта терди ва унинг бир ойлик пули маълум суммани ташкил қилди. Эшмат ҳар куни терган пахтасини ёзиб боради ва жами қанча пул олишини ҳам жуда яхши билади. (Қўл терими ўша пайтда бир кг. пахта 3 - 5 тийин) Бригадир, Эшматга 3 та ведомост кўрсатади ва уларга имзо қўйиб беришни сўрайди ва унга олиши керак бўлган пулни тийинигача тўлиқ санаб беради. Эшмат албатта бундан рози ва пулни олиб уйига жўнайди, аммо синчковроқ Тошмат ведомостларни бирма - қўриб мен жами 800 сўм олишим керак, лекин бу ерда 3 та ведомост бўйича жами 1200 сўм ёзилибди нега менга ошиқча 400 сўм ёзилган бу пулга олдим деб имзо қилмайман чунки менга бермаяпсиз-ку дейди. Бригадир унга очигини айтади сенинг бир ойда яъни 30 кунда терган пахтаг бир ойга эмас 2 та ведомостга 20 кунга ёзилган, тўғри охириги 3- ведомостда кўрсатилган 400 сўмлик пахтани сен терганинг йўқ биз терилди деб ёздик бу приписка пахта ўзинг тушунасанку, шунинг учун бу 400 сўмни бера олмаймиз қўл қўйиб беравер ҳеч нарса бўлмайди мана ҳамма имзо қилиб кетди дейди. Тошмат, ҳа, тушунарли дейди-ю олмаган 400 сўмни ҳам олдим деб имзо қилиб уйига жўнайди, чунки қанча пахта терган бўлса пулини тўлиқ олди унга барибир бу 400 сўмга қанча пахта сотиб олишади катталарнинг ўзи билади ва кези келганда уларнинг ўзи жавоб беради. Мана шу охириги 10 кунлик ёзилган пул - тўлов ведомости қўшиб ёзилган пахтанинг пули эканлиги ҳамма билади.

Давом этамиз: Энди пахта бригадири охириги 10 кунликга ёзилган қўшиб ёзилган пахтанинг пул – тўлов ведомостини колхоз кассирига топширади, колхоз кассири эса бутун колхоз бўйича тузилган ведомостлардаги пулларини банкдан олади, лекин қўшиб ёзилган пахтанинг пулини колхознинг пахталарини пахта пунктга топширувчига (сдатчикга) беради. Пахта топширувчи ҳақиқий терилган пахталар ортилган тележкаларни торозидан утказди аслида йўқ терилмаган пахталарни ҳам топширилди деб пахта пунктнинг 2 - зона товаршуноси, яъни торозибонидан юк ҳати олади ва қўшиб ёзилган пахтанинг пулини санаб унга топширади. Қўшиб ёзилган қанча тонна пахта учун қачон қанча пул берганини пахта топширувчи алоҳида дафтарга ёзиб боради ва бу дафтарлар тергов даврида олиниб далилий ашё деб жинойт ишларига қўшилди.

Эртасига колхоз жами бўлиб бир кунда мана шунча пахта топширдик деб районга, район эса вилоятга, вилоят эса Тошкентга ҳисобот жўнатади.

Қўшиб ёзилган пахталардан аслида олинмаган пахта толалари Россия ва бошқа республикаларга жўнатилди деб ҳужжатлаштирилади. Айтайлик битта вагонга 60 тонна пахта толаси кетса 40 тонна ортилади қолган 20 тоннасининг ўрнига пул боради.

Ўзбекистоннинг оддий бир қишлоғидан бошланган қўшиб ёзиш олис Россиянинг бир фабрикасига бориб яқун топади, яъни, айтиш мумкин-ки қўшиб ёзишда бутун СССР иштирок этади. Албатта бундан милициянинг ўша пайтдаги ОБХСС ва КГБ идоралари яхши хабардор, шунинг учун улар пахта ишларига аралашмайди, мабодо бундай ҳолатлар тасодифан аниқланиб қолса ҳам жинойт иши қўзғатилган тақдирда ҳам тўхтатиб қўйилаверади, асос эса ҳар доимгидек бу жинойтни ким содир қилганлигини аниқлаш имконияти йўқ деб қарорда кўрсатилади[4:].

Яна бир ҳолат, Шахрисаб тумани партия туман қўмитасининг биринчи котиби Х. Х. Холиқов, С. Жўраев билан бирга пахтага 4 651 00 сўмлик қўшиб ёзиш орқали пора олганликда айбланади. Шу билан бирга, ушбу сумманинг 3 100 000 рубли Серпухово, Кутаиси, Боку, Орехово-Зуево ва бошқа тўқимачилик корхоналари ходимларига пора сифатида олинган хомашё учун берилди. Табиийки, улар бундай катта миқдорни ўзлаштира олмасдилар. Аксинча, улар режани бажариш учун юқоридан кўрсатмалар олгандан сўнг, мавжуд бўлмаган

пахтани қўшиб ёзишга мажбур бўлишди. Шу билан бирга, улар қўшимча маблағларни деҳқонларга ҳам тарқатишди[5;].

Шу жойда Қашқадарё вилояти “Нуроний” жамғармаси раиси, собиқ Шаҳрисабз район биринчи секретари (1986-1988 йй) Иноятов Январ Пўлатович билан бўлган суҳбатни келтирамиз (Январ Пўлатович 1938 йил 1 январда Қашқадарё вилоятида туғилган). 1980 йиллар бошларида Республикамизга Москвадан кучли босимлар ўтказила бошланди. Ўзбекистон Собиқ Иттифоқ республикалари ичида энг кўп пахта етказиб берадиган республика бўлишига қарамай, пахта бўйича йирик йиғилишлар, ким ошди савдолар Ленинградда ўтказиларди. Бу давлат пахтани ўзини, уни машаққатини тушунмасди бироқ ўзбек халқини машаққати ортидан келадиган фойдани улар кўра бошлади. Бизни пахтамик толасининг узунлиги ва тозаллиги жиҳатдан дунёда етакчи ўринни эгаллаган. Шу сабабли пахтамик нисбатан талаб юқори эди. У вақтлар мен Қашқадарё вилояти область ижроя комитетининг 1 ўринбосари ва вилоят агросаноат уюшмасининг раиси эдим. Ўзбекистон ССР 6 млн тоннадан ортиқ пахта етказиб берган бўлса, Қашқадарё вилояти 600 минг тоннадан ортиқ пахта берган[6;]. Ушбу рақамларни яна бир тасдиқи Нишанова, Людмила Нугмановнанинг илмий тадқиқот ишларида Ўнинчи беш йилликнинг якуновчи йили совет пахтачилигининг янги, йирик ютуғи ва олти миллион маррани босиб ўтиб, 6237 минг тонна пахта хомашёси йиғиб олган Ўзбекистон пахтакорларининг улкан ғалабаси билан нишонлангани[7;4] келтириб ўтилган.

Қашқадарё вилояти “Нуроний” жамғармаси собиқ раиси Соиб Усмоновнинг “Пахта иши” бўйича берган интервьюсида вилоятда 3000 ортиқ одам жиноий жавобгарликка тортилгани, унинг аксарият қисми қамоқхоналарда ётгани, уларнинг ҳар бирини кетидан 20-30 киши сўроқ қилинаётгани, ҳар бирини кетидан ўнлаб, йигирмалар бола-чақаю, қариндош уруғлари сарсон бўлиб юрганилиги, далада ишлайдиган одам қолмаганлигини келтириб ўтади[8;].

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Гдлян бошлиқ тергов гуруҳининг Ўзбекистонда олиб борилган тергов жараёнлари Сталин даври қатағонлик сиёсатига тажрибасига асосланган бўлиб, ҳатто хомиладор аёлларни таҳқирлаш, уриш, қўрқитиш, кетма-кет бутун оилани ҳибсга олиниш ва ҳ.к орқали ўзларига керакли иқдорномалар олинди[9;]. Ундан ташқари, Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексида гувоҳларни тунда чақиритиш ва сўроқ қилиш ман қилинган, лекин тергов гуруҳи ва Гдляннинг шахсан ўзи қонун талабига хилоф равишда гувоҳларни тунда чақиритиб сўроқ қилиш билан шуғулланганлар. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 1957 йилда туғилган Зиёда Камоловани кўрсатиш мумкин. Эмизикли боласи билан декретдалигига қарамай, терговчи Ибрагимов уни 1988 йил 2 июнь куни соат 24 да чақиритиб, эртасига 1988 йил 3 июнь соат 14 га қадар сўроқ қилган. Бу вақтда Зиёда Камолованинг онаси, эри, қайнонаси ҳибсда бўлган. Уларнинг ҳаракатларида ҳам жиноят таркиби бўлмаган[10;65-70]. Ёки яна бир қонуннинг купол тарзда бузилиши: Беруний райком секретари О.Раджабов иши бўйича 54 нафар қариндоши, қўшни ва танишлари асосиз қамоқда сақланиб қийноққа солинганлар. Уларнинг ҳибсга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар эса ишга тикилмаган. «СССР халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги Қонунда депутатларни Совет ва уларнинг ижроқўми розилигисиз ушлаш ва ҳибсга олиш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бироқ терговчилар қонуннинг бу талабини бир неча марта бузишган [11;71].

Бу каби ҳолатларни етарлича аниқлаш мумкин албатта. Яъни ташкилот раҳбарларидан тортиб, хўжаликнинг оддий ишчиларига қадар давр сиёсатининг найрангларига ўйнади. Бироқ юзага келган вазиятнинг асл режиссёри марказнинг ўзи бўлиб, жабрдийдалари меҳнат қилганлар бўлди.

### **4. Хулосалар:**

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Пахта иши” сиёсатининг қўшиб ёзиш операциялари бир томондан ўзбек халқини қаддини букиш, номини қора қилиш, марказга итоаткорликда, қурқувда тутиб туриш учун ўйлаб топилган қонунсиз тергов иши бўлса, бошқа томондан Совет ҳукумати ўзининг кирдикорларини келажак учун яшириш, ўзбек халқнинг бўйнига

қўйиш режаси эди. Зеро, қўшиб ёзиш ишлари шунчаки марказнинг сиёсий ўйинлари учун ниқоб эканлиги бугун барчага маълум бўлди. Шу нуқтаи назардан айтиш жоизки, мамлакат мустақиллиги оли неъмат, тарих эса шу неъматни қадрлашни ўргатади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари. - Тошкент: Зар қалам, 2005.(Yunusova X.E. National policy of the Soviet state in Uzbekistan and its consequences. - Tashkent: Zar qalam, 2005.)
2. ҚарДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фонди, КП-117, ИНН-58/ Пахта иши кампаниясида иштирок этган собиқ терговчи Сафар Каттабоев билан суҳбат 2020 йил январ ойи. (Fund of the museum “Memory of victims of repression” at the Karshi State University, KP-117, INN-58/ interview with Safar Kattaboev, a former investigator who participated in the campaign on the “Cotton Case” January 2020.)
3. Қашқадарё вилоят жиноий ишлар суди архивидан, Дело 10-218, том-11, 1-4 бетлар (From the archive of the Kashkadarya Regional Criminal Court, case 10-218, volume-11, pp. 1-4)
4. ҚарДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фонди, КП-117, ИНН-58/ Пахта иши кампаниясида иштирок этган собиқ терговчи Сафар Каттабоев билан суҳбат 2020 йил январ ойи. (Fund of the museum “Memory of victims of repression” at the Karshi State University, KP-117, INN-58/ interview with Safar Kattaboev, a former investigator who participated in the campaign on the “Cotton Case” January 2020.)
5. Юнусова Х. XX век Узбекистан: некоторые вопросы изучения по «хлопковому делу». Журнал Исторические науки. С.72-73/ <https://cyberleninka.ru/article/n/hh-vek-uzbekistan-nekotorye-voprosy-izucheniya-po-hlopkovomu-delu/viewer>.( Yunusova H. Twentieth century Uzbekistan: some issues of study on the "cotton business". Journal of Historical Sciences. pp.72-73)
6. ҚарДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фонди, КП-118, ИНН-59/1986-1988 йилларда Шаҳрисабз район биринчи секретари бўлиб ишлаган Иноятлов Январ Пулатович билан қилинган суҳбат. 2022 йил 26 май. (Fund of the museum “Memory of victims of repression” at Karshi State University, KP-118, INN-59/ interview with Inoyatov Janvar Pulatovich, who in 1986-1988 worked as the first secretary of Shakhrisabz district. May 26, 2022)
7. Нишанова, Людмила Нугмановна. Народнохозяйственная эффективность оптимальной организации первичной обработки хлопка. Автореф. к.э.н. - Тошкент, 1884. С.4 (Nishanova, Lyudmila Nugmanovna. National economic efficiency of optimal organization of primary cotton processing. Abstract. Candidate of Economics - Tashkent, 1884. p.4)
8. Соиб Усмонов суҳбатидан, Пахта иши/Хлопковое дело. 2020 йил 27 декабр.// <https://www.youtube.com/watch?v=7caIXBStyIg> (From the conversation of sohib Usmanov, Cotton business/Cotton business. December 27, 2020)
9. Назаров Р. “Хлопковое дело” в контексте этнической политики центра по отношению к Узбекистану. Тарихнинг номаълум саҳифалари. “Ўзбекистон”, Тошкент-2012. 85-б. (Nazarov R. ” Cotton business " in the context of the Center's ethnic policy towards Uzbekistan. Unknown pages of history. ”Uzbekistan”, Tashkent-2012. 85-P.)
10. Абдусамад Полвонзода. Тарихий ҳақиқат изидан. “Пахта иш”лари қандай вужудга келган эди? Водийнома. 2020 йил, 1(16)-сон, 65-70 бет. (Abdusamad Boronzoda. In the footsteps of historical truth. How did ”cotton work” come about? Vodiynoma. 2020, issue 1 (16), pp. 65-70.)
11. Ўша ердан, 71-б.( Abdusamad Boronzoda. In the footsteps of historical truth. How did ”cotton work” come about? Vodiynoma. 2020, issue 1 (16), pp. 71.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000